



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

2020 йил “14” май

94 -ум-сон

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий қадриятларини белгилаш тўғрисида

Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, юридик ҳамда жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи ҳар бир ходимнинг фаолият мезонига айланиши талаб этиладиган асосий қадриятларни белгилаш мақсадида

#### БУЮРАМАН:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик) тизимида куйидагилар асосий қадриятлар (кейинги ўринда – адлия қадриятлари) сифатида қабул қилсин:

**қонунийлик** – барча адлия органлари ва муассасалари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиши;

**инсонпарварлик** – вазирлик томонидан норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳуқуқни қўллашда фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиши;

**одиллик** – фаолияти давомида ҳар қандай масалага нисбатан адолатли ёндашув асосида ҳаракат қилиш;

**ҳалоллик** – ўз фаолиятида хиёнат, коррупцияга йўл кўймасдан, виждонийлик асосида иш тутиш, тўғрилик, софдиллик билан юклатилган вазифани бажариш;

**очиқлик** – вазирлик томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги, вазирлик фаолиятининг ошкоралиги ва шаффоғлиги ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;

**холислик** – ҳар қандай масалага у ёки бу гурұх /шахс манфаатини устун қўймаган ҳолда, умумхалқ манфаатидан келиб чиқиб холис ёндашиш;

**хисобдорлик** – ҳар бир ҳатти-ҳаракат бўйича кенг жамоатчиликка ҳисоб бериш масъулиятини ҳис этиш;

**профессионаллик** – турли шароитларда мураккаб касбий фаолиятни тизимли, самарали ва ишончли тарзда амалга ошириш, касбини пухта билиш ва қўйилган вазифаларни ўз вақтида бажариш, камтарин бўлиш, фуқаролар ва жамоатчиликнинг давлатга бўлган ишончини юксалтиришга ҳисса қўшиш;

**ташаббускорлик** – изланувчанлик билан мустақил равища янги ғояларни илгари суриш ва уларнинг амалга оширилишда масъулиятни зиммага олиш, креатив ёндашув асосида инновацион таклифлар бериш;

**садоқат** – ягона давлат хуқуқий сиёсатини юритишда вазирлик тизимидағи ҳар бир шахс томонидан ўз вазифасига фидойилик, содиқлик билан ёндашиш ҳамда уни вижданан ва сидқидилдан бажариш;

**масъулият** – ҳар бир мақсад ва вазифани тўлақонли ва сифатли бажаришда ҳар бир ходим, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, бир хил жавобгарликни ҳис қилиши ва юқори натижадорликка эришиши;

**жамоавийлик** – тизим нуфузи ва манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйган ҳолда ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат асосида қарорлар қабул қилиш, жамоанинг обрўси ва мақсадлари учун шахсий масъулиятни ҳис этиш.

## 2. Куйидагилар белгилансин:

ҳар бир адлия органи ходими адлия қадриятларига таянган ҳолда ўз фаолиятини олиб бориши лозим;

адлия органларига ишга қабул қилинаётган ҳар бир ходимга ушбу қадриятларнинг мазмуни ва аҳамияти унга қўл қўйдирилган ҳолда етказилади;

ходимнинг меҳнат фаолиятига баҳо беришда, хусусан, “Ойнинг энг яхши ходими”ни аниклаш, шунингдек, юқори лавозимларга номзодини тавсия қилиш ва тайинлашда ҳамда бошқа турдаги рағбатлантириш чораларини белгилашда унинг адлия қадриятларига амал қилиши ва содиқлиги эътиборга олинади.

## 3. Вазирликнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

адлия қадриятларини ходимлар орасида тарғиб қилиш бўйича мунтазам равища зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

адлия қадриятларига риоя этишда шахсий ибрат кўрсатсин ҳамда ходимлар орасида уларга сидқидилдан ва тўлиқ риоя этилиши бўйича доимий назоратни олиб борсин.

**4.** Кадрлар бошқармаси (Ш.Кўчқаров) адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан ушбу буйруқда белгиланган қадриятларнинг эъзозланиши, уларга сидқидилдан ва тўлиқ риоя этилишини назорат қилсин.


**5.** Ишлар бошқармаси (З.Туляганов), Молия-иктисод бошқармаси (Т.Бекбутаев) адлия органлари ва муассасалари ходимлари орасида адлия қадриятларини тарғиб қилишга қаратилган тарқатма материаллар (буклет, флаер, баннер, календарлар тўплами) чоп этиш чораларини кўрсин.

**6.** Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў.Назаров) ушбу буйруқни вазирликнинг манфаатдор таркибий бўлинмаларига етказсин.

**7.** Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

**Вазир**

Тошкент ш.



Р. Давлетов